

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

№ 35 (1214)

2019 йил 12 сентябрь

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

ISSN 2010-6602

@bank_axborotnomasi

Сайтимизга ўтиш учун QR кодани телефонингиз орқали сканер қилинг



Қарор ва ижро

БАНК ХИЗМАТЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧДА



Айни кунда барча тижорат банклари томонидан мижозлар учун қулай шароитлар яратиш ҳамда сифатли, энг замонавий хизмат турларини жорий этишга ҳаракат қилинмоқда.

Бу эса аҳолининг банкларга бўлган ишончини ортишига ва банк тизимининг жадал суръатларда тараққий этишига замин яратмоқда. Президентимизнинг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоблигини ошириш бўйича қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу ишларга асос бўлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. 10 сентябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган матбуот анжумани ҳам айни шу қарор ижросига бағишланди.

Тадбирда Марказий банк раиси ўринбосари Ориф Бўтаев сўз олиб, сўнгги икки йилда банк тизимида олиб борилган ўзгаришлар

ва банклар томонидан қарор ижроси доирасида амалга оширилган ишларга тўхталаркан, мана шу давр мобайнида банк хизматлари мутлақо янги bosқичда ривожланаётганини алоҳида қайд этди.

Шунингдек, тадбирда таъкидландики, қарор ижроси доирасида 2018 йил 1 июлдан бошлаб, барча банкларда дастлабки рухсатларсиз ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатларсиз мижозларнинг банкларнинг хизмат кўрсатиш ҳудудига бевосита, тўсқинликсиз кириши учун шароитлар яратилди. Шу билан бирга, мижозларни дастлабки қабул қилиш бўлимларида маъмурият ходимларидан кўрсатилаётган банк хизматлари тўғрисида дастлабки маслаҳатлар олиш (РЕСЕПШН) хизмати йўлга қўйилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Янги марказ – “Next” ва “Бешқайрағоч”

Жорий йилнинг 9 сентябрь кuni “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки Амалиёт бошқармаси ва Яккасарой филиалларига қарашли “Next” ва “Бешқайрағоч” номли мижозларга тезкор хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган ихчам “Банк хизматлари марказлари” ўз фаолиятини бошлади.

Мазкур марказ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслари ва ишлаб чиқариш инфраструктурасидан фойдаланиш им-



кониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги ПҚ-5780-сонли Фармони ижроси доирасида жумладан, аҳоли ва тадбиркорларнинг ишончини қозониш, улarga

кўмакдош бўлиш ва чакана бизнеснинг замонавий хизматларини кўрсатиш мақсадида ташкил этилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Президентимиз томонидан банк-молия тизимини расмиятчилик билан юзаси ислоҳ қилиш амалиётига чек қўйиб, тизимни замонавий услублар асосида ишлайдиган соҳага айлантириш вазифаси қўйилган.

Филиал қошида махсус бўлим очилди

Шунингдек, Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоблигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан банк фаолиятининг илғор халқаро тажрибасидан андоза олиб, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, рақамли технологияларга асосланган масофавий хизмат турларини кенгайтириш ҳамда амалдаги хизматларни соддалаштириш каби муҳим вазифалар белгиланган.

Айни дамда “Ўзсаноатқурилишбанк” тизимида ушбу қарор ва топшириқлар ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида бир қатор амалий чора-тадбирлар қўрилмоқда. Бу жараёнда асосий эътибор банк мижозларига кўрсатилаётган хизматлар сифати ҳамда қулайлигини оширишга қаратилмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг 7 сентябрь кuni “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг Тошкент шаҳридаги Мирзо Улуғбек филиали қошида махсус бўлим ишга тушгани ҳам фикримиз тасдиғидир.

(Давоми 2-саҳифада)



УМИДЛАРНИ СЎНДИРГАН
“УМИД АВТОЛИЗИНГ”
КИРДИКОРЛАРИ → 5



БОЗОРЛАРИ
ТЎКИН ЭЛИМ → 7



БАНК КРЕДИТ СИЁСАТИНИ
ЎЗГАРТИРДИ БУНДА ҚАНДАЙ
ЙЎЛ ТУТИЛАДИ? → 10

БАНК ХИЗМАТЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Шунингдек, аҳолининг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда тижорат банклари томонидан 20 та банк филиали ва 249 та минибанк ташкил этилди ҳамда ҳозирга қадар 422 та банк филиали "намунавий филиал"га айлантирилди, 713 та банк филиали ҳудудда эса, фронт-офис ва бек-офис каби хизмат кўрсатиш бўлинмаларига ажратилди.

Бундан ташқари, аҳолига қулай банк хизматларини ташкил этиш мақсадида жорий йил 1 август ҳолатига қўра тижорат банклари томонидан 1671 та банккомат олиб келинди ва куну тун режимида ишловчи 580 та ўз-ўзига банк хизматлари кўрсатувчи марказлар (24/7) ҳамда 618 та автоматлаштирилган валюта айирбошлаш шохобчалари ташкил этилди.

Шунингдек, тижорат банклари томонидан онлайн кредит буюртмаларини рўйхатдан ўтказишда ва кўриб чиқишда шаффофликни таъминлаш мақсадида кредит буюртмаларини кўриб чиқиш босқичлари тўғрисида мижозларга СМС хабар жўнатиш ва банкнинг расмий веб-саҳифасидаги персонал



кабинет орқали хабардор қилиш тизимлари жорий қилингани айни муддао бўлди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йилда тижорат банклари томонидан қисқа фурсатда ажратилувчи микроқарз бериш тизими йўлга қўйилди ва 2018 йилнинг 1 апрелидан 2019 йилнинг 1 августигача 463 минг кишига 3 956 млрд. сўм микроқарз ажратилди. Шу билан бирга, тижорат банклари томонидан халқаро тўлов карталарига нақдсиз кўринишда чет эл валютасини онлайн тарзда сотиб олиш, нақдсиз миллий ва чет эл валюта-

сини онлайн тарзда омонатларга жойлаштириш имконини берувчи мобил иловалар яратилди. Натижада, 2018 йилнинг 1 апрелидан 2019 йилнинг 1 августигача мобил иловалар орқали жисмоний шахслар томонидан 668,4 млн. доллар (жисмоний шахслар томонидан сотиб олинган хорижий валютанинг 40 фоизи) хорижий валюта сотиб олинди, 459,4 млрд. сўм омонатга жойлаштирилди ва 238,2 млрд. сўм кредит ажратилди.

Банк тизимидаги ўзгаришлар ҳақида сўз кетганда, миллий тўлов тизимини ривожлантириш

мақсадида Марказий банк ҳузурида "Миллий банкларо процессинг маркази" МЧЖ ("НУМО" миллий тўлов тизими) ташкил этилганини алоҳида қайд этиш даркор.

Тизимни амалиётга кириштириш учун дастлаб жорий йилнинг март-апрель ойларида Тошкент шаҳридаги чакана савдо ва хизмат кўрсатиш субъектлари ҳамда тижорат банклари кассалари контактсиз тўловларни амалга ошириш имконини берувчи замонавий тўлов инфратузилмаси билан тўлиқ таъминланди ва май ойидан аҳоли учун "НУМО" тўлов тизимининг банк карталари оммавий эмиссия қилина бошланди. Ҳозирга қадар эса, савдо нуқталарида "НУМО" тўлов тизимида ишловчи 100 минг донна терминал ўрнатилди ва 600 минг донна банк карталари эмиссия қилинди. Жойларда "НУМО" тўлов тизимини банк карталарини қабул қилувчи 900 та банккомат ўрнатилди. Айни кунда янги тўлов тизимининг инфратузилмаси вилоятлар ҳисобига кенгайиб бормоқда ва жорий йилнинг тўртинчи чорагида яқунланади.

Шунингдек, тадбирда Марказий банк масъуллари ва ОАВ вакиллари ўртасида соҳага оид муҳим савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Рустам ПЎЛАТОВ

ЯНГИ МАРКАЗ – "NEXT" ВА "БЕШҚАЙРАҒОЧ"



(Бошланиши 1-саҳифада)

Таъкидлаш жоизки, банк ташкил этилган илк кунларданок кўрсатиладиган микроолиявий хизматларнинг иқтисодий-ижтимоий йўналишдаги асосий мақсадлари белгилаб олинди ҳамда асосий эътибор тадбиркорлик субъектларига сифатли банк хизматлари кўрсатиш учун қўшимча имкониятларни таъминлайдиган молиявий инфратузилма кенгайтирилишига қаратилди. Натижада, бугунги кунда республикамиз бўйлаб банкнинг 11 та филиали, 75 та банк хизматлари маркази, 36 та халқаро пул ўтказиш шохобчалари ва 22 та омонат кассалари фаолият юритмоқда.

Марказнинг очилиш маросимида "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки раҳбарлари ҳамда Яқкасарой ва Учтепа тумани маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари иштирок этди.

– Тижорат банклари филиалларининг "Бешқайрағоч" бўлими

маҳалламиздан узоқ масофада жойлашганлиги сабабли доимо аҳолимизга ноқулайликлар келтириб, вақтимизни режалаштиришга ҳам қийналар эдик, – дейди Учтепа маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ўткир Ҳайдаров. – Мана, бугун "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки томонидан маҳалламиз марказида "Банк хизматлари маркази"нинг ишга тушгани нафақат маҳалла фуқаролари, қолаверса тадбиркорларимизга ҳам ўз вақтларини тежашларида ҳамда банк операцияларини зудлик билан амалга оширишларида мадад бўлади. Банкнинг хизмат кўрсатиш турлари билан танишганимизда, бу ерда банк томонидан 24/7 кечаю-кундуз фаолият кўрсатувчи банккоматларнинг маҳалла аҳолисига хизмат кўрсатиши бизни қувонтирди, – дея сўзини якунлади Ўткир Ҳайдаров.

Хулоса қилиб айтганда, маз-

кур "Next" ва "Бешқайрағоч" номли мижозларга тезкор хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган ихчам "Банк хизматлари марказлари"да аҳоли ва тадбиркорларга барча турдаги банк хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилган. Мижозлар ушбу марказда банк филиалига ташриф буюрмасдан намунали банк хизматларидан фойдаланишлари мумкин. Яъни, омонат ва кредитларни расмийлаштириш, халқаро пул ўтказмаларидан фойдаланиш, хорижий валюта айирбошлаш, ҳисоб рақам очиш, коммунал тўловлар ва бошқа барча турдаги банк хизматларини амалга ошириш имконияти яратилган.

Шунингдек, "Банк хизматлари маркази" 24/7 режимида фаолият кўрсатувчи замонавий банккомат ва инфокиосклар билан таъминланган. Маҳалла аҳолиси ҳафтанинг исталган куни, сутканинг исталган вақтида миллий валютадаги Uzcard ва Humo пластик карталаридаги маблағларини нақдлаштириши, коммунал, уяли алоқа ва шаҳар телефонлари, кабель телевидениеи ҳамда интернет-провайдер хизматлари учун тўловларни амалга ошириши мумкин.

Дарҳақиқат, ҳар бир туманда бу каби банк марказларининг ташкил этилиши аҳоли ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришда қўшимча туртки бўлади. Бу эса, республикада яна қўшимча иш ўринлари яратилишига хизмат қилади.

Сабоҳат ҲАЙТҚОРИЕВА

ФИЛИАЛ ҚОШИДА МАХСУС БЎЛИМ ОЧИЛДИ



(Бошланиши 1-саҳифада)

Ўзбекистонда биринчи марта иш бошлаган ушбу янги тузилмада банк тизимининг барча йўналишлари бўйича мукамал билим ва кўникмага эга ходимлар мижозлар билан кечаю кундуз алоқада бўлади ҳамда ҳар бир мижозга индивидуал равишда хизмат кўрсатади.



Шунингдек, бўлимда жисмоний шахсларга мўлжалланган хизматлар мажмуаси махсус хизматлар пакети сифатида таклиф этилади. "SQB Elite", "Visa platinum", "Lifestyle management" ҳамда жамғарма ва кредитлаш бўйича ечимлар дастури шулар жумласидандир.

Бунда биргина "Visa platinum" пластик картаси фойдаланувчиларига нафақат юртимизда, балки дунёнинг исталган нуқтасида қатор имтиёзлар тақдим этилади. Депозит ячейкаларидан фойдаланиш, он-лайн харидларни амалга оширишда махсус чегирмалар, саёҳат қилувчиларга халқаро даражада тиббий ёрдам ва ахборот бериш, аэропортда кутиб олиш ва кузатиб қўйиш кабилар ҳам мазкур хизматлар мажмуасидан ўрин олган.

finance.uz

“ТРАСТБАНК”ДА ЎҚУВ-СЕМИНАР

Жорий йилнинг 6-7 сентябрь кунлари “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки Бош офисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида банк хизматлари механизмини жорий этиш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли учун молиявий очқилик даражасини ошириш ҳамда банк ходимлари молиявий саводхонлигини ошириш бўйича “Тижорат банкларидан кредит портфели мониторинги бошқарилишини такомиллаштириш” мавзусида икки кунлик ўқув-семинар бўлиб ўтди.



Ўқув семинарда Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети рақамли иқтисодиёт ва молия факультети декани – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент Жўрабек Мусабеков, Банк Кенгаши аъзоси Моҳира Каримова, Банк Бошқаруви Раисининг ўринбосари Камил Габбазов, тегишли департамент директорлари ва мустақил бошқармалар бошлиқлари, банкнинг барча филиаллари кредит портфели таҳлили ва мониторинги бошқармалари мутахассислари иштирок этди. Тадбир давомида Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети рақамли иқтисодиёт ва молия факультети декани Жўрабек Мусабеков семинар иштирокчилари билан “Тижорат банкларидан кредит портфели мониторингини шакллантириш” ва “Кредит портфелини бошқаришни оптимизация қилиш” мавзу-

ларида амалий машғулот ўтказди.

Шунингдек, семинар давомида Банк Кенгаши аъзоси Моҳира Каримова ва тегишли департамент ва мустақил бошқармалар бошлиқлари томонидан “Кредит мониторингининг мақсади”, “Мониторинг натижаларига кўра кредит портфели сифатини таснифлаш”, “Гаров реестрига ёзувларни тўғри киритиш ва АСОКИдаги хатоликларни ўз вақтида бартараф этиш”, “Қарздорларнинг молиявий ҳолати мониторинги”, “Банк таваккалчиликларини олдини олиш”, “Тижорат банкларидан кредит портфели мониторингининг бошқарилиши”, “Гаров таъминоти мониторинги” бўйича ўқув-услубий тақдимотлар ва амалиётда қўллаш истиқболлари ҳақида маърузали чиқишлар қилинди.

– Маълумки, банклар кредит таваккалчилигини мини-

маллаштириш йўлларида эффе́ктив тизимини яратишдир. Ушбу тизимнинг таркибий қисмларидан бири банк кредит амалиётидаги муаммоли активларни ўз вақтида аниқлаш ва қарздорликни ундириш юзасидан тизимли ишларни олиб боришдир, – дейди банкнинг таваккалчиликларини бошқариш департаменти директори ўринбосари Алишер Сағдуллаев.

– Тижорат банкларидан ташкил этилган кредит кўмитаси ҳузурида марказлашган ҳолда мижозлар ҳақида тўлиқ маълумотлар бера оладиган ахборотлар базасини яратиш, уни ишончли ва объектив ишлашини шакллантириш нафақат банк инфратузилмаси учун, балки иқтисодиёт учун ҳам катта қўллаш келтиради. Биринчидан, тезкор маълумотлар асосида банклар ҳамда мижозлар вақтдан ютадилар. Иккинчидан, бу тезкор

маълумотлар кредит харажатларини пасайтиради, учинчидан, банк фаолияти тезкорлиги, барқарорлиги ҳамда салоҳиятини оширади ва албатта, кредит мониторинги ишлари ҳам қисман энгиллашади, – деди Алишер Сағдуллаев.

Тадбир жараёнида банк филиаллари олдида турган муаммоларни бартараф этиш, кредит портфели сифатини таснифлаш, муаммоли кредитлар юзага келишини олдини олиш ва топширилаётган ҳисоботларга жиддий эътибор қаратиш, шунингдек топшириқларни сифатли бажариш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Ўқув-семинар давомида маърузачилар асосан амалий ҳамда назарий машғулотлар ўтказиб, тингловчилар томонидан берилган таклиф ва саволларга тегишли жавоблар бердилар.

Сабоҳат ҲАИТҚОРИЕВА


ҲАМКОРЛИК

Айни пайтда Халқ банки “Савдони молиялаштириш” учун Полшанинг “Банк Господарства Кражовего” банкидан 20 млн. евро миқдорида кредит лимити олди.

ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛАРДАН 20 МЛН. ЕВРО



Шунингдек, Ўзбекистон – Россия қўшма банки “Азия-Инвест Банк” акциядорлик тижорат банкидан “Савдони молиялаштириш” йўналишида 4 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит лимити олинди.



Ушбу кредит суммалари Халқ банки томонидан Ўзбекистонда савдо ҳажмини кенгайтириш ҳамда молиялаштириш, тадбиркорларга кўпроқ қулайликлар яратиш бўйича мақсадли йўналтирилади.

finance.uz

Яқинда Банк-молия академиясида Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси лойиҳаси кенгайтирилган давра суҳбатида муҳокама қилинди. Давра суҳбатида Солиқ кодекси юзасидан турли таклиф ва талаблар билдирилди. Кодекснинг айрим бобларидаги моддаларни ўзгартириш, ҳаёт талабларига мослаштириш борасида мунозарали фикрлар ўртага ташланди.

Тадбирда Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси мутасаддилари, Иқтисодиёт университети, Молия институти профессор-ўқитувчилари ва тадқиқотчилар иштирок этди. Муҳокамада Молия вазири ўринбосари Дилшод Султонов, Давлат Солиқ кўмитаси раисининг ўрибосари Мубин Мирзаев, Банк-молия академияси кафедра мудири Ислонбек Ниязметов, академия профессори Мутolib Йўлдошев, Ташкент Молия институти доценти Барногул Санокулвалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Жумладан, унда Солиқ кодексининг лойиҳасида солиқ

тизимига қўйиладиган назарий-фундаментал талаблар ва солиққа тортишнинг халқаро тан олинган принциплари ҳамда ривожланган мамлакатларнинг солиқ соҳасидаги илғор тажрибалари қанчалик инobatга олингани ҳақида сўз борди.

– Дунёнинг 150 тага яқин давлатида даромад солиги прогрессив ставкаларда, бор-йўғи 15 тага яқин давлатда эса пропорционал ставкада ундирилади. Айнан шу даромад солиғи билан боғлиқ яна бир муҳим масала – даромадларни умум-декларациялаш асосида солиққа тортиш масаласи на Концепцияда ва на Кодекс лойиҳасида ўз аксини топган. Бизнингча, мамла-

СОЛИҚ КОДЕКСИ МУҲОКАМАДА



катимизда кучайиб бораётган яширин иқтисодиёт билан курашишнинг энг самарали воситаларидан бири айнан даромадларни умум-декларациялаш асосида солиққа тортиш механизми-дир. Бу механизм норасмий иқтисодиётни солиққа жалб қилиш билан бирга, солиқ ишлорларидан қутилажак бюджет йўқотишларини қоплаш ва солиқ тушумла-

рини барқарор ошириб бериш имкониятини ҳам таъминлайди, – деди анжуман иштирокчиси иқтисод фанлари доктори Ислон Ниязметов.

Шунингдек, тадбирда олимлар ва соҳа мутахассислари ҳам Солиқ кодекси Лойиҳаси бўйича ўз фикрларини баён этишди. Жумладан, декларациялаш асосида солиққа тортиш меха-

низми тўлақонли ишлаши учун аввало солиққа тортилмайдиган энг кам даромад категорияси ишлаб чиқилиши даркорлиги, бу категория эса истеъмол савати асосида ишлаб чиқиладиган яшаш минимуми категориясига асосланиши айtilди. Бугунги кунда ривожланган мамлакатларнинг барчасида ва ривожланаётган мамлакатларнинг ҳам аксариятида юқорида санаб ўтилган категориялар ушбу давлатларда олиб бориладиган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг муҳим элементлари ҳисобланади, дея таъкидланди анжуманда.

Давра суҳбати сўнггида иштирокчилар томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар янги Солиқ кодексини яратишда инobatга олиниши таъкидланиб, келгусида мазкур лойиҳа муҳокамаси яна давом эттирилиши билдирилди.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш борасида кўплаб ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, "Ўзмиллийбанк" Жиззах вилоят бўлими Амалиёт бошқармаси томонидан вилоятдаги бир қатор ташкилотларга кредит маблағларини ажратилиши, уларнинг фаолияти барқарор ривожланишида, шу билан бирга янги иш ўринларини яратилишида ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Хусусан "NEW NERUD" МЧЖга банк томонидан ўтган йил уч миллиард етти юз миллион сўм миқдорда чақиқ тош, оҳақ тош ва қум маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мақсадида кредит берилган. Ажратилган маблағ конвертация орқали Эстония давлатидан ускуналар ва Жанубий Корея давлатидан экскаватор сотиб олиш учун ўтказиб берилган. Шу билан бирга ўз маҳсулотлари етказиб бериш ва ташкилотни янада ривожланиши юзасидан 2 дона ZL50GN русумли юклагич (погрузчик) ва Хитой давлатидан 4 дона "Shaanxi Tonly TL875B" русумли юк автомашиналари (карьер самосваллари) сотиб



олиш учун 2019 йил феврал ойида уч миллиард етти юз миллион сўм кредит маблағлари йўналтирилган. Натижада, ушбу ташкилот қошида 20 та ишчи ўрин яратилди.

Шунингдек, "NURLI TO'LQIN SERVIS" МЧЖга банк томонидан махсус юк ташишга мўлжалланган автотранспорт воситаларини сотиб олиш учун кредит ажратилган бўлиб ушбу маблағлар ҳисобидан Хитой давлатидан 25 дона замонавий махсус юк ташишга мўлжалланган автотранспорт воситалари олиб келинди. Шунингдек, ўз фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида Хитой давлатидан асбоб-ускуналар сотиб олиш

учун Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ҳисобидан етти юз ўн тўрт минг АҚШ доллари миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Натижада корхона фаолиятини кенгайтириш ҳисобига ишчи ходимлар сони 86 нафарга етди. Шуниси эътиборлики, "NURLI TO'LQIN SERVIS" МЧЖ томонидан йўлга қўйилган транспорт хизмати нафақат ўз ҳудудида балки, бошқа вилоятлардан келиб тушган буюртмалар асосида ҳам иш юритмоқда. Келгусида ушбу соҳани кенгайтиришни режалаштирган корхона "Ўзмиллийбанк" билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳаракатида.

Шунингдек, «Ўзмиллийбанк» Жиззах бўлими томонидан жорий йилнинг сентябрь ойига қадар 17 та миқозга жами 19,39 млн. АҚШ доллари миқдорда хорижий молия институтлари маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратди. Шу билан бирга тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 980 нафар юридик ва жисмоний шахсларга 300,6 млрд. сўмлик молиявий кўмак кўрсатилди. Натижада йил бошидан буён эса жами 1960 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Ушбу ажратилган кредитлар асосан импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун замонавий ускуналар сотиб олишга ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтиришга йўналтирилган.

Шу билан бирга, филиал миқозлари ҳозирда мавжуд 15 хил турдаги хорижий молия институтлари томонидан таклиф этилган кредит маблағларидан фойдаланиб келмоқда. Бунинг натижасида вилоятга турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун инновацион технология ва асбоб ускуналар кириб келмоқда.

Малика ПУЛАТОВА

ҚИШЛОҒИНИ ДУНЁГА ТАНИТАЁТГАН ТАДБИРКОР

Бугунги кунда Самарқанд вилояти Оқдарё тумани Пичокчи қишлоғининг довуғи нафақат вилоят ёки республикада балки дунё бўйлаб тарқалмоқда. Чунки уддабурон ишбилармонларнинг сазй-ҳаракати билан қишлоқнинг ёнғоғи дунё бозорларида харидорғир бўлиб бораётир.

Пичокчи қишлоғи аҳолиси анча йиллардан буён ёнғоқ ва унинг мағзи савдосини ўзларига касб қилишган. Бунинг ортдан кўплаб инсонлар ишли бўлиб, оилавий даромади ошиб, турмуш фаровонлиги ҳам ўсди. Натижада айни кунда кўплаб пичокчиликлар ҳатто хориж бозорларига ҳам ўзбекнинг ёнғоғини етказмоқда.

Ана шундай тадбиркорлардан бири Толибхон Абдужалиловдир. У қарийб 20 йилдан буён ёнғоқни қайта ишлаш ва унинг олди-сотдиси билан машғул.

Мамлакатимизда тадбиркорлар учун йилдан

йилга яратиб берилаётган кенг шарт-шароитлар ҳар бир фуқарони тадбиркор бўлишга, жаҳон бозори сари интилишга ундамоқда. Худди шундай Т.Абдужалилов ҳам ана шу имкониятларда фойдаланган ҳолда 2017 йил апрель ойида "Пичокчи" DRY FRUITS" кўп тармоқли фермер хўжалигини ташкил этди. Ҳозирги кунда эллиқдан ошиқ ишчилар меҳнат қилаётган фермер хўжалиқда ёнғоқ, мош, ловия, нухат каби дуккакли маҳсулотларни қайта ишланиб, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Ҳиндистон, Афғонистон

каби давлатларга экспорт қилинмоқда. Валютада ташаётган даромад ҳам яхшигина бўлаётир. Мисол учун, ўтган йили хўжалик 1 млн. 200 минг АҚШ долларлик ёнғоқ маҳсулотлари экспорт қилган бўлса, жорий йил бу рақамдан бир неча баробар ошириш ҳаракатида.

Бир неча йил олдин қуритилган меваларни хорижга экспорт қилишни йўлга қўйдик, – дейди "Пичокчи" DRY FRUITS" МЧЖ директори Толибхон Абдужалилов. – Шу пайтгача маҳсулотимизни асосан, Туркия орқали бошқа давлатларга чиқарардик. Яқиндан бошлаб, Хитойнинг "Хиан Зхонгхе индустриал" Со.ЛТД корхонаси вакиллари билан 500 тонна қуритилган меваларни тўғридан-тўғри Хитойга экспорт қилишга келишиб олдик. Албатта, бу Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги муносабатларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётганидан ҳамда хитойликларнинг бизнинг шириндан-шакар меваларимизга қизиқиши баландлигидан дарак.

Айни дамда пичокчилик тадбиркорнинг олдида турган орзу ва режалари янада улкан. Хусусан, лойиҳа қиймати 4,5 миллиард сўм эвазига 3 гектар майдонда ёнғоқ етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, экспортга тай-



ёрлаш, шунингдек, маиший хизмат кўрсатиш бинолари барпо этиш борасидаги бизнес лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш борасида иш олиб бораётир.

Юртимизда тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилмоқда. Шундан фойдаланиб, келажакда ёнғоқ етиштириш бўйича кластер тизимини жорий қилмоқчимиз. Бир неча йилдан буён интенсив ёнғоқзор боғлар яратиш борасидаги лойиҳаларим жорий йилда амалга ошириш режалаштирилди. Шу билан бирга ёнғоқ етиштириш, уни қайта ишлаш, қадоқлаш, экспортга тайёрлаш, сақлаш ва агротуризмни ривожлантириш логистика марказини қуриш учун 2 гектар ер майдони ажратилди. Айни кунда ана шу лойиҳаларни тезроқ амалга ошириш интиляпмиз. Агар лойиҳа тўлиқ амалга ошса, юздан зиёд киши иш билан таъминланади, – дейди тадбиркор.

Толибхон Абдужалилов билан суҳбалашарканмиз, беихтиёр "Интилганга – толе ёр" нақли ёдга келади. Чунки унинг интилувчанлиги, меҳнатсеварлиги, уддабурон тадбиркорлиги чин маънода унга толе кулиб боқаётганидан дарак беради.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, унинг мана шу сазй-ҳаракатлари муносиб баҳолашиб келинмоқда. Жумладан, ўтган йили тадбиркор ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган "Ташаббус" кўрик-танловининг вилоят босқичида "Энг яхши экспортчи" номинацияси бўйича ғолиб бўлган бўлса, жорий йил республика босқичида мамлакатимизнинг "Энг яхши оилавий тадбиркор" номинациясини қўлга киритди ҳамда Япония элчихонасининг махсус "Оилавий ўқийш" сертификатига сазовор бўлди.

Гулсара ТИНИБЕКОВА



УМИДЛАРНИ СЎНДИРГАН “УМИД АВТОЛИЗИНГ” КИРДИКОРЛАРИ

8 ОЙЛИК
УМИДЛАР ВА КУТИШЛАР

Бугун баъзи бир “тадбиркор”лар ёлғончиликни ўзларига касб қилиб олган. Уларни деб қанчадан-қанча инсонлар сарсон-саргардон. Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш федерациясига автолизинглардан азият чекаётган юрtdошларимиз мурожаатлари шу кунларда кескин ошиб кетди. Айниқса, “Умид автолизинг” МЧЖдан “куйиб” қолаётганлар фиғони кўкни тутмоқда.



Анджон вилоятида яшовчи М.Темиров Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш федерациясига мурожаат қилар экан, Фарғона шаҳридаги “Умид савдо файз инвест” масъулияти чекланган жамияти билан 2018 йилда шартнома тузиб, DAMAS 3 DLX автомашинасини буюртма қилганини бироқ буюртмаси унга етиб келмаганлигини маълум қилган.

Шартномага биноан МЧЖ ҳисоб рақамига 31 250 000 сўм бошланғич тўлов амалга оширилган. Машинани оладиган фурсат келиб, ўтиб кетса ҳамки, автоуловдан дарак бўлмаган.

Федерация томонидан тушунтиришлар олиб борилгандан сўнг 40 кун ичида автомашина учун тўланган пул қайтариб берилишини зиммаларига олган “Умид савдо файз инвест” МЧЖ ўз ваъдасида турмади.

Федерация мутасаддилари ҳам бу ишни охирига етказмай кўйишмади. Ваъда бериб бажармайдиганлар автомобиль учун тўланган бошланғич пул маблағини эгасига қайтариб беришга мажбур бўлди.

ҚОНУНЛАР КУЧГА КИРСА

Олот тумани “Денов” МФЙ истиқомат қилувчи Ўткир Азимов яхши ният билан Бухоро шаҳридаги “Умид автолизинг” МЧЖга “Nexia-3” евро 2-позиция автомашинасини учун шартнома асосида пул тўлайди.

Нақд 38 000 000 (ўттиз саккиз миллион) сўмни ҳеч қандай эътирозларсиз, ўз вақтида топширади ва автоулов келишини кутади. Бундан қарангки, на автомобилдан дарак бор, на шартномадаги ваъда берилган шартлардан. Оқибатда истеъмолчи Ўткир Азимов фуқаролик ҳуқуқлари поймол этилганини тушуниб етади ҳамда шартномани бекор қилади.

Бироқ “Умид автолизинг” ташкилоти 38 000 000 (ўттиз саккиз миллион) сўм пулни қайтаришни пайсалга солиб келади.

Сабр қосаси тўлган харидор тўлаган барча пулини қайтариб олишда амалий ёрдам сўраб, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Ишонч телефони-1091 га мурожаат қилади. Федерация мутахассислари вазиятни ўрганиб чиқишди.

Ҳар икки томон билан яқиндан мулоқотда бўлиб, уларга “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонун ҳақида тушунтириш берилди.

Натижада Ўткир Азимов томонидан тўланган 38 000 000 (ўттиз саккиз миллион) сўм пул маблағи тўлиқ қайтарилди.

“Умид автолизинг” МЧЖ эса камчиликларни бартараф этиш бўйича қонун доирасида далолатнома тузилди.

Бухоролик Шоҳиддин Аҳмедов Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Федерациясига ариза ёзиб, ўзини анчадан буён қийнаётган муаммо юзасидан мурожаат қилди. Унга кўра Шоҳиддин Аҳмедов Бухоро шаҳридаги “Умид автолизинг” корхонасига “Нексия 3” автомабили учун 2018 йил август ойида 34.750.000 сўм нақд пул тўлаган. Аммо ҳозирга қадар автоуловни ололмаганидан норози бўлган. Федерация бундай муаммоларга ечим топишга доим ҳаракат қилади. Учар тадбиркордан истеъмолчининг 34.750.000 сўм нақд пули олиб берилди ва унинг қонуний ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

Бухоро шаҳрида “Умид автолизинг”ни яна бир қурбони Вобкент тумани Янгикент ҚФЙ Ширин қишлоғида яшовчи фуқаро И.Рамазонов Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига оғзаки мурожаат қилган бўлиб, ушбу мурожаатда қайд этилишича истеъмолчи 2018 йил 6 август кун “Умид савдо файз инвест” МЧЖдан NEXIA-3 русумли автомашинасини харид қилиш учун шартнома тузган ва истеъмолчи шартномада кўрсатилган 34 750 000 сўмни тўлаган. Аммо автомашина уни ўз вақтида етказилмаганидан норози бўлган. Истеъмолчининг мурожаати жамият ходимлари томонидан ўрганилиб, истеъмолчи ва тадбиркорнинг ҳуқуқлари тушунтирилди ҳамда истеъмолчининг тўлиқ 34 750 000 сўм нақд пули қайтариб берилди.

Бухородан яна шундай мурожаат келган бўлиб, Ғиждувон туманида яшовчи Ризқиддин Саидов ҳам “Умид автолизинг” билан “Cobalt” автомашинасини учун шартнома тузиб, тўлов қилган. Аммо шартномада кўрсатилган вақтдан ойлар ўтиб кетса-да, машинадан дарак бўлмаган. Федерация мутасаддилари аралашуви билан истеъмолчига автомашина тез фурсатда етказиб берилди.

КУТИЛГАН, АММО ЭГАСИГА ЕТИБ КЕЛМАГАН АВТОУЛОВ

Бағдод тумани, Нурли йўл кўчаси, 28-уйда яшовчи М.Ҳошимовнинг ўз аризасида қунончаклик билан ёзган

шикояти ўрганилганда у ҳақ бўлиб чиқди.

Аризада баён қилинишича, “Умид савдо файз инвест” масъулияти чекланган жамияти Фарғона ҳудудий бўлими ва М.Ҳошимов ўртасида тузилган 2018 йил 30 апрель кунги № F-26-сонли аванс тўлови тўғрисидаги шартномага асосан, Chevrolet Nexia-3 автомашинаси буюртма қилинган. М.Ҳошимовга жамият ҳисоб рақамига 36 025 000 сўм бошланғич тўловни амалга ошириш қайд этилган. Жамиятга эса автомашинани белгиланган муддат давомида истеъмолчига етказиб бериш мажбурияти юклатилган.

Истеъмолчи бошланғич тўловни амалга оширган бўлса-да, шартномада кўрсатилган муддатда Chevrolet Nexia-3 автомашинаси М.Ҳошимовга етказиб берилмаган. Охир-оқибат автомашина етказиб берилмаганлиги учун шартномани бекор қилиб, тўлов қилинган сумма қайтарилишини сўраб МЧЖга ариза билан мурожаат қилган. Бироқ шартномада кўрсатилган тўловнинг қайтарилиш муддати ўтса ҳам тўланган маблағ қайтарилмади.

Ўрганиш давомида “Умид савдо файз инвест” МЧЖ Фарғона ҳудудий филиали раҳбариятига тегишли тушунтиришлар берилди. М.Ҳошимовнинг эътирозлари инобатга олиниб, Chevrolet Nexia-3 автомашинасини учун тўланган сумма тўлиқ қайтариб берилди.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти Кегайли тумани бўлимига тумандаги Ақтуба овулида яшовчи фуқаро Қ.Юсупов мурожаат қилди.

Мурожаатда таъкидланишича, истеъмолчи 2018 йил 12 июнь кун “Умид савдо-файз инвест” масъулияти чекланган жамияти билан лизинг асосида оқ рангли NEXIA-3 автомашинасини сотиб олиш учун шартнома тузганлиги ва 2018 йил 12 июнь кун 33 400 272 сўм, шундан 18 826 272 сўмини пластик картадан, 14 574 000 сўм нақд ўтказгани, пул тўлаганига 250 кун бўлган бўлса-да, на NEXIAдан ва на пулдан дарак йўқлиги қайд этилган.

Ушбу мурожаат юзасидан жамият мутахассислари ўрганиш ишларини олиб борди. Унга кўра, ҳақиқатдан лизинг ташкилоти шартнома шартларини бажармагани аниқланди. Ваҳоланки, шартномада пул ўтказилган кундан бошлаб 120 иш кунинда автомобилни истеъмолчига топширилиши кўрсатилган.

Мурожаат ўрганиб чиқилгандан кейин 10 кун ичида Қ.Юсупов ўз хоҳишига кўра, пулини тўлиқ қайтариб олди.

Хизмат кўрсатувчи томонидан шартнома шартларига амал қилинмаганлиги сабабли олдиндан амалга оширилган 34 миллион 710 минг сўм маблағ истеъмолчи фойдасига ундирилди.

Қарши шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига Косон тумани Равот маҳалласида яшовчи фуқаро Ҳасан Самадов ариза билан мурожаат қилиб, Қарши шаҳрида жойлашган “Умид савдо файз инвест” МЧЖ хизматларидан норозилигини билдирган.

Аризада баён қилинишича, фуқаро Ҳ.Самадов “Nexia-3” русумли автомашинани узоқ муддатли лизинг асосида сотиб олиш учун “Умид савдо файз инвест” МЧЖ билан 2018 йил 6 февраль кун К-49-сонли шартнома имзолаган. Шартнома шартларига кўра, у лизинг хизмати кўрсатувчига 34 миллион 710 минг сўм тўловни олдиндан амалга ошириши, хизмат кўрсатувчи эса 120 кун муддатда автомашинани етказиб бериши лозим эди. Бироқ Ҳ.Самадов томонидан тўловлар ўз муддатида амалга оширилган бўлса-да, лизинг хизмати кўрсатувчи ташкилот транспорт воситасини етказиб бермаган. Бу ҳол жорий йилнинг 14 сентябрига қадар давом этгач, фуқаро Ҳ.Самадов ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлган.

Мазкур мурожаат тегишли тартибда ўрганилиб, “Умид савдо файз инвест” МЧЖ ва фуқаро ўртасида тузилган лизинг шартномаси истеъмолчининг ташаббусига кўра бир томонлама бекор қилинди ва автомашинани сотиб олиш учун тўланган пул истеъмолчи фойдасига ундириб берилди.

Бундай мурожаатларни бир қанча келтириш мумкин. Сурхондарё вилоятидан келиб тушган аризада Рашид Шералиев “Lada Vesta” автомашинасини учун 56 млн. 300 минг сўм тўлов қилган бўлиб, бироқ бугунга қадар машинасини унга етиб келмаганидан норози бўлган. Яна бир сурхондарёлик Гулнара Жавлиева иккита “Damas” автомашинасини учун 67 миллион сўм тўлов қилган. Бу истеъмолчи ҳам анча сарсон бўлиб юрганидан сўнг, Федерация ходимларининг саъй-ҳаракати билан 33 миллион сўм маблағини қайтариб олган. Қолган 33,5 миллион сўмни ҳанузгача олишга қийналишмоқда.

Келтирилган мурожаатларни ўргана туриб, ўйлаб қоласан киши, юртимизнинг турли бурчакларида ўз бўлимларини очган “Умид автолизинг” МЧЖ наҳотки, меҳнаткаш, содда, машина олиш учун пешона тери билан меҳнат қилиб пул топадиган халқимизни алдашни мақсад қилишган бўлса? Зотан, “Умид автолизинг” МЧЖ ходимлари, раҳбари “Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади” нақлини унутмас бўлгани. Халқни норози қилиб топилган даромад эса ҳеч кимга буюрмайди!

Гулноза ШАРАФОВА,
Ўзбекистон Истеъмолчилар
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
федерацияси
етакчи мутахассиси
ЎЗА

ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДАГИ САРМОЯЛАР

Сўнгги йилларда юртимизда тадбиркорлик соҳасининг кенг қўллаб-қувватланиши натижасида минглаб янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли турмуш фаровонлиги ошди. Шу билан бирга экспортбоп маҳсулотлар тури ҳам ортди. Бу эса ўз навбатида, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада мустақамланишига хизмат қилди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур тармоқнинг жадал тараққий этишида тижорат банкларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Жумладан, акциядорлик тижорат Халқ банки мана неча йилдирки халқимиз фаровонлиги ва мамлакатимиз тараққийётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Шу кунларда банкнинг аҳолига банк хизматлари кўрсатиш сифатини янада ошириш ҳамда давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган вазифалар ва давлат дастурлари ижроси борасидаги амалий ишлари эътирофга лойиқдир.

Маълумки, Президентимизнинг ҳудудларга ташрифи чоғида юртимиз банклари фаолиятини яхшилаш, уларнинг халқ хизматида кўпроқ манфаати тегиши учун банкларга қатор вазифалар юклатилган эди. Бу борада Халқ банкига ҳам юртимиз ривож йўлида муҳим аҳамият касб этувчи бир қанча вазифалар белгиланган бўлиб, банк томонидан мазкур топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида кенг кўламли амалий ишлар қилинмоқда.

Хусусан, банк томонидан мазкур йўналишда 2018-2019 йилларга мўлжалланган режа ишлаб чиқилган бўлиб, унга асосан, умумий қиймати 4 933,1 млрд. сўмлик 1 780 та лойиҳани молиялаштириш ҳамда бунинг натижасида 16 676 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилмоқда. Ўтган давр мобайнида эса 1 126 та лойиҳага 979,4 млрд. сўм миқдоридан кредит маблағлари ажратилиб, 5 384 та янги иш ўрни яратилди. Натижада минглаб инсонларнинг моддий аҳволи яхшиланиб, оилаларига ризқ-рўз киришига сабаб бўлди.

Агар мазкур йўналишдаги ишларни алоҳида кесимларда оладиган бўлсак: саноат соҳасига 338 та лойиҳага 1 220,0 млрд. сўм, қишлоқ хўжалигига 1 011 та лойиҳага 2 989,7 млрд. сўм, хизмат кўрсатиш соҳасида 431 та лойиҳага 723,3 млн. сўм аж-

ратиш назарда тутилмоқда. Шунингдек, жорий йилда 1 526 та лойиҳага 1 791,5 млрд. сўм, 2020 йил эса 254 та лойиҳага 645,1 млрд. сўм миқдоридан кредит маблағлари ажратилиши режалаштирилган бўлиб, айни кунда лойиҳаларнинг ўз вақтида ижро этилиши юзасидан амалий чоралар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, банк томонидан давлат дастурлари ижроси бўйича олиб борилаётган саяҳатлар ҳам айтишга арзиғулликдир. Жумладан, банк томонидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузуридаги "Yoshlar – kelajagimiz" жамғармасидан Давлат дастуридаги тадбирларни молиялаштириш доирасида 2018-2019-йиллар учун манзилли рўйхатга асосан жорий йилнинг ўтган даврига қадар 2 200 дан ортиқ ёш тадбиркорларга 318,0 млрд. сўм кредитлар ажратилиб, бунинг натижасида 600 га яқин янги иш ўрни яратилди.

Қолаверса, банк томонидан 600 нафар ёш тадбиркорга ҳам 53 млн. сўмга яқин кредитлар ажратилиши натижасида 6,7 мингга



яқин янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, энди ўз тадбиркорлигини бошлаётган 400 нафардан ортиқ ёш тадбиркорга 126,2 млн. сўмлик кредит ажратиш маъқулланган бўлиб, ҳозирда тадбиркорлар томонидан гаров ҳужжатлари тайёрланмоқда.

Шуни қайд этиш жоизки, банк томонидан ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга ажратаётган кредитлари ҳажми йилдан йилга



ўсиб бормоқда. Хусусан, ўтган йилда жами 2 552 нафар ёш тадбиркорга 245,6 млрд. сўмлик кредит берилган бўлса, бу йилги манзилли рўйхатга асосан жами 3 700 дан ортиқ ёш тадбиркорларга 732,8 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратиш режалаштирилган. Энг асосийси, мазкур кредитлар ёшларга қисқа муддатда ажратиб берилмоқда.

Шунингдек, банк томонидан юртимиз хотин-қизларининг тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш

ланган бўлиб, унга кўра, Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан банкка жами 125 млрд. сўм миқдоридан кредит ресурси ажратиб берилди.

Бугунги кунда Халқ банки томонидан мазкур маблағлар ҳисобидан 4 104 нафар тадбиркор аёлга 105 млрд. сўмлик кредит ажратиш режалаштирилган бўлиб, шу кунга қадар 4 033 нафар тадбиркор аёлга 100,3 млрд. сўм кредитлар ажратилди. Бунинг натижасида 5,6 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилгани эса, чин маънода катта ютуқдир.

Шу кунларда ўз тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган 71 нафар тадбиркор аёлга 4,7 млрд. сўмлик кредит ажратиш маъқулланган бўлиб, ҳозирда тадбиркорлар томонидан тегишли ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Қолаверса, банк томонидан Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги "Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижроси бўйича ҳам амалий ишлар қилинмоқда. Хусусан, фармонга асосан 2018 йил март ойида Халқ банки ҳамда Тикланиш ва тараққийёт жамғармаси ўртасида Бош келишув имзоланган бўлиб, банкка Тикланиш ва тараққийёт жамғармаси томонидан жами 15,0 млн. АҚШ доллари миқдоридан ресурс ажратиб берилди. Бу маблағлар эса хунармандчиликни ривожлантиришга сарфланмоқда.

Бугунги кунга қадар банк томонидан хунармандлар уюшмасига аъзо бўлган 3 246 хунармандга 112,7 млрд. сўмлик кредитлар ажратиш бўйича ташаббускорлар аниқланган бўлиб, бу йўналишда 2 881 нафар хунармандга 99,2 млрд. сўм кредитлар ажратилди. Натижада хунармандчилик соҳасида 3 328 та янги иш ўрни яратилди.

Ушбу йўналишни янада ривожлантириш, кўли гул усталаримиз хунарини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳозирда 365 хунармандга 13,5 млрд. сўмлик кредит ажратиш маъқулланган.

Қисқа муддатда ажратилган ушбу кредитлар туфайли халқимизнинг хунармандлик борасидаги фаолияти янада гуллаб-яшнашига сабаб бўлса ажабмас.

Мухтасар қилиб айтганда, ишбилармонлик муҳитини яратиш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида банклар томонидан ажратилган кредитлар мамлакатимиз тараққийётида муҳим ўрин тутди. Зеро, шу орқали юрт фаровонлигига ва ободлигига эришилади.

Сарвар ОЧИЛОВ



БОЗОРЛАРИ ТЎКИН ЭЛИМ

“Халқнинг яшаш тарзини билмоқчи бўлсанг бозорини кўр” деган нақл бор. Бу бежиз эмас. Зеро, турмушимизни бозорларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Негаки, бозорларимиз шунчаки савдо-сотиқ ишларини амалга оширадиган маскан бўлиб қолмай, азалдан халқ фаровонлиги ва турмуш тарзини намоен этувчи ўзига хос ижтимоий-иқтисодий марказлардан бири саналган.



Бир сўз билан айтганда, бозорлар халқ фаровонлигининг ифодасидир. Бугун юртимиз бозорларида бўлган ва ободликни кузатган ҳар бир инсон қалбидан ана шу фикрлар ўтиши, шубҳасиз.

Истиқололимизнинг 28 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан Жиззах вилоятининг Зомин тумани аҳоли учун байрамга муносиб тухфа ҳада

этилди. Яъни улар учун замонавий, қулай ва шинам бўлган “Зомин” деҳқон бозори ишга туширилди.

Этиборлиси, ушбу мажмуа шарқона ва миллий меъморлик анъаналарининг нодир намуналарини ўзида мужассам этгани ҳолда, замонавий савдо мажмуалари шаклида мукамал реконструкцияда,

сотувчи ва харидорларга қулай шароит яратиш, савдо хизмати сифатини яхшилаш орқали савдо-бозор инфратузилмасини янада шакллантиришда алоҳида кўринишга эга бўлди.

Умумий майдони 1,2 гектардан иборат мазкур деҳқон бозорига банк томонидан 25 млрд.

сўм маблағлари йўналтирилди ва қисқа фурсатда 500 та савдо рас-тасига эга замонавий типдаги янги бозор бунёд этилди. Бу ерда со-тувчи ва харидорлар учун барча қулайликлар яратилган. Жумла-дан, нон маҳсулотлари, хўл мева-лар, қуруқ мевалар, гуруч ва ду-какли маҳсулотлар бўлимларидаги савдо рас-таларидан ўрин ол-ган маҳсулотлар дастурхонлари-миз тўкинлиги ва фаровон тур-мушимиздан далолат беради. Бо-зор ҳудудида тадбиркорлар учун Ўзмилийбанкнинг махсус шохоб-часи ташкил этилгани ҳудуддаги тадбиркорлар имкониятларини янада оширишга хизмат қилиши тайин.

Қайд этиш жоизки, Жиззах ви-лоятининг Зомин туманида кўлами жиҳатидан салмоқли бунёдкор-лик ва ободонлаштириш ишлари қизгин олиб борилаётгани, булар-нинг ҳар бири юртдошларимиз ҳаётида ўчмас из қолдирмоқда, дея бемалол айта оламиз.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси ўринбосари Азамат Курамбаев Бухоро вилоя-тида бўлиб, молия му-ассасасининг мижозлари билан сайёр учрашув ўтказди.

Юзма-юз, очиқ мулоқот ўтказиш тадбиркор-ларни қийнаётган масала-ларни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Гап шун-даки, бу каби учрашувларда турли саволларга муфассал жавоб олинади, расмиятчи-лик истисно бўлиб, муам-мога ечим топиш йўллари изланади. Шу боис банк мижозларининг сайёр уч-рашувга қизиқиши катта бўлди.

– Бозорда помидор ва бодиринг мўл бўлса, унинг нархи арзонлашади, дастур-хон тўкинлашади, – дейди Бухоро шаҳридаги “Пре-миум Агроонтаж” масъ-улияти чекланган жами-яти ижрочи директори Ҳамро Қорёғдиев. – Биз ҳам ана шу хайрли ишда ўз ўрнимизни топиш ва ал-батта, меҳнатга яраша да-ромад кўриш учун 2018 йил Миллий банкдан 670 мил-лион сўм миқдорида кре-дит олиб, бир гектар май-донда иссиқхона қурдик. Ҳосил баракали бўлди. Маҳсулотни ички бозорга етказиб беришдан ташқари, ўтган 8 ойда хорижга қарийб 50 минг АҚШ дол-лари миқдорида помидор экспорт қилдик. Йил охи-рига бориб, бу кўрсаткич янада ошади. Энг муҳими, биз бу борада маълум таж-рибага ҳам эга бўлдик. Шу-нинг учун ҳам яна бир гек-

ТИФ МИЛЛИЙ БАНКИ МИЖОЗЛАРГА ЯҚИН ҲАМКОР

тар майдонда иссиқхона ташкил этмоқдамиз. Лекин уни жиҳозлашда молия-вий жиҳатдан қийналиб қолдик. Агар бизга яқин кунларда 850 миллион сўм миқдорида кредит ажра-тилса, ишлар якунига етади. Ноябрь ойи охирларига бо-риб, кўчатни ўтқизишга ки-ришамиз. Лойиҳа самара-сида яна 12 киши иш билан таъминланади.

Тадбиркор ўз режа-ларини асослаб берди. Хуллас, лойиҳа қўллаб-қувватланадиган бўлди. Кредит ўз вақтида ажрати-лишидан ишбилармоннинг кўнгли тўқ.

“Ғиждувон” эркин иқти-содий зонаси қатнаш-чилари сони ошиб, таби-ийки, улар томонидан янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. ЭИЗда фао-лият кўрсатаётган “Селена трейд” МЧЖ маҳсулотлар қадокланадиган замона-вий, ўзига хос дизайнга эга картон қутилар ишлаб чиқаришни кенгайтиришни режалаштирган. Цехлар Хи-тойда ишлаб чиқарилган

технологик ускуналар би-лан жиҳозланиши кўзда ту-тилган. Уларни келтириш учун хорижга буюртма ҳам берилган. Корхона раҳбари Файзулла Бобоҳўжаев сайёр қабулда лойиҳанинг тезроқ амалга оширилиши учун 250 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажра-тишни илтимос қилди. Аён бўлдики, зарур ҳужжатлар тақдим этилган, банк га-рови ҳам таъминланган. Тадбиркор учрашувдан хурсанд ҳолда қайтадиган бўлди. Унга икки ойдан сўнг кредит ажратилади.

Бугунги кунда Бухорода сайёҳлар оқимининг кучайиб бориши туризм ин-дустрияси, унинг мод-дий-техника базасини мустаҳкамлашни тақозо эта-ётир. Эҳтиёжлардан келиб чиқиб, янги меҳмонхоналар қурилаётир, мавжудлари кенгаймоқда.

– “Камелот” меҳмонхона-мизни сайёҳлар яхши би-лади, – дейди “Логотур сер-вис” масъулияти чеклан-ган жамияти бош ҳисобчиси Мадина Раҳматуллаева.



– Биз мижозларга хиз-матимиз жозибадорли-гини ошириш мақсадида меҳмонхонамизни замона-вий дизайн асосида жиҳозлаш бизнес режа-сини тузганмиз. Лойиҳани амалга ошириш учун банк-дан 950 миллион сўм миқдорида кредит ажра-тиш тўғрисида муружаат қилган эдик. Шу масала қачон ҳал бўлади?

Мазкур тадбир ушбу са-волга аниқ жавоб қайта-рилди: яқин орада ҳуж-жатлар кўриб чиқилиб, кре-дит ажратилади.

Тадбирда 70 нафар-дан зиёд киши муружаат билан чиқди. Улар турли йўналишларда, жумла-дан, қурилиш крани, турли технологияларни хар-ид қилиш, паррандачи-ликни ривожлантириш, ас-фальт ишлаб чиқариш за-водини қуриш, қурилиш ма-териалларини тайёрлаш, томорқа хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш каби

лоийҳалар учун миллий ва хорижий валютада кре-дит ажратилиш сўралди. Қабулда бирор бир муаммо эътиборсиз қолмаслиги, улар Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки раҳбарияти томони-дан қатъий назоратга оли-ниши таъкидланди.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон Ташқи иқти-содий фаолият миллий банки Бухоро вилояти бўлими томонидан жорий йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида 5 минг мижозга 298,9 миллиард сўмлик кредит ажратилган. Бу са-ноат ва қишлоқ хўжалиги, сервис соҳаларини рив-ожлантириш, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, энг асо-сийси янги иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда. Йил охиригача мўлжалдаги лойиҳаларни молиялаш-тириш ишлари давом эттирилади.



КОРПОРАЦИЯЛАР КЎП МИҚДОРДА ҚАРЗ ОЛМОҚДА

Бирлашган мил-латлар ташкилоти Лондон Европа Иттифоқи таркибидан чиқишига қадар асосий савдо ҳамкорлари билан келишувга имзо чекишга улгурмаган тақдирда британиялик экспортёрларнинг йўқотишлари қанча бўлиши мумкинлигини баҳолади.



Сентябрь ёзги сукунатдан кейин корпорацияларнинг кескин бирлашиши охи сифатида қайд этилиши аъёнага айланиб улгурган. Бироқ жорий йил сентябрь ойида бирон бир кутилмаган воқеликлар содир бўлмади.

Эълон жойлаштириш умумий ҳажми рекорд даражани ташкил этди. Биринчи ҳафта давомида компаниялар 150 миллиард АҚШ долларилек облигацияларни сотди. Таъкидлаш лозим, жойлаштирувлар турли валюталарда

амалга оширилди: доллар, евро ва иена...

Яримдан кўпроқ қисми Америка компаниялари улушига тўғри келди – 72 миллиард АҚШ доллари ва бу ҳам энг рекорд натижа ҳисобланади. Мухтасар айтганда, қисқа муддатда бутун бир август ойида сотилганига нисбатан кўп бонд сотилди, деб хабар беради Bloomberg.

Шубҳасиз, қарз бозоридаги даромадлилик кўп йиллардан буён қайд этилаётган энг кам натижага эришгани боис компаниялар бундан фаол тарзда фойдаланди.

Европадаги компаниялар ҳам ўзини етарли даражада фаол тарзда тутди, улар 20 миллиард евролик облигацияларни сота олди ва бу билан ўтган йилнинг баҳоридаги натижага етишди.

Эслатиб ўтамоғимиз, ЕМБ манфий фоиз ставкалари сақлаб қолмоқда ва еврохудоуд мамлакатлари давлат облигацияларининг аксарияти нолдан паст даражадаги даромад билан савдолашмоқда.

Японияда ўтган ҳафта тарихдаги

энг йирик жойлаштириш амалга оширилди. 1,7 триллион иеналик (16 миллиард доллар) бондлар сотилди. Таъкидлаш ўринли, энг йирик компаниялардан бири Уоррен Баффетга тегишли Berkshire Hathaway компанияси 430 миллиард иена миқдоридаги қарзга эга бўлди.

JP Morgan банки мутахассислари маълум қилишича, компаниялар жаҳон бозоридаги кескин арзонлашшдан унумли фойдаланди. Айни пайтда энг арзонлашган пуллар Осие китъаси улушига тўғри келди.

Америка бозорига тўхталинадиган бўлса, қарз сегментида кузатилаётган фаоллик фонд бозорида янги мусобақани юзага келтириши мумкин. Гап шундаки, компаниялар сўнгги йилларда ўз акцияларини сотиб олиш учун қарз пуллардан фойдаланиб келмоқда. Ўтган йили buyback лойиҳаси асосида тахминан триллион доллар йўналтирилган бўлса, жорий йилда Goldman Sachs баҳосига кўра, бу кўрсаткич 1,5 триллион АҚШ долларига айланиши кутилмоқда.

БАНККА БУЮРТМА БЕРИБ “БОЗОРЛИК” ҚИЛИШ МУМКИН

Россия Федерациясидаги “Сбербанк” банки «СберМаркет» хизматини ишга туширди. Бу борада банк MetroCash&Carry тармоғи билан ҳамкорлик ўрнатди.



“Сбербанк” банки IT-компания сифатида ҳам фаолият юритишга оид стратегия мақсадини амалга оширмоқда. Шу боис миждо-ларга дўконлардан маҳсулот етказиб беришни назарда тутувчи “СберМаркет” хизматини жорий этди. Хизмат банкнинг асосий ҳамкор ҳамда акциядорлардан бири SBT VentureFund II жамғармаси билан ҳамкорликда ишга туширилди.

Тегишли нашрда ёзилишича, хизмат ҳозирча синов тариқасида ишланмоқда. Етказиб бериш хизмати Ростов ҳамда Краснодар шаҳарларида мавжуд.

Маълум бўлишича, маҳсулотлар нархи оширилмайди, дўкондаги нархда етказиб берилади. Хизмат вақти – икки соат. Банк вакили маълум қилишича, мазкур лойиҳа бир ой давомида амалга оширилиши белгиланган бўлиб, сўнгра унинг қамровини ўзгартиришга доир қарор қабул қилинади. Бошқа ҳамкорлар ҳам бу лойиҳага қўшилиши ёки йўқлиги номаълум.

Хизмат Instamart технологик ва операцион майдони негизда ташкил этилди, шу билан бирга Сбербанкнинг технологик экотизимини ҳам ишга туширишди. Бу эса мазкур вебсаҳифадан рўйхатдан ўтиш ниятидагилар банк томонидан тақдим этиладиган ID рақам орқали ҳам рўйхатдан ўтиши мумкинлигини аниқлатади. Айни пайтда Instamart бошқарувчи директори Асан Курмангузин лойиҳа муваффақиятли ишлаб кетган тақдирда Instamart “СберМаркет” бренди остида фаолият юритиши ҳам мумкин.

“Сбербанк хизмати ва маҳсулотларини кенг омма яқиндан билишидан фойдаланиб Ростов ва Краснодар шаҳарларидаги етказиб бериш хизматини тез орада Instamart ишлайдиган бошқа шаҳарларда ҳам жорий этишга режалаштирганмиш. Бу эса миждо-ларимиз сафини кенгайтириш ва Сбербанк ёрдамида Россияда етказиб бериш хизмати бўйича етакчи ташкилотга айланишимизга имкон беради”, – дейди Instamart вакили.

Хитой марказий банкнинг масъул шахсларидан бири ташкилот томонидан ишлаб чиқиладиган, ишлаш таъминоти бўйича Facebook тармоғидаги Libra иловасига ўхшаб кетадиган рақамли валютага оид айрим маълумотларни очиклади.

Хитой Халқ банкнинг тўловлар бўлими директори ўринбосари Му Чанчунь маълумот беришича, криптовалюта кўп жихатдан “Facebook” нинг “Libra” иловасини ёдга солади. Миллий криптовалюта мамлакатда “молиявий суверенитет ва қонуний валюта мақомини сақлаб қолиш” мақсадида ишлаб чиқилмоқда. У “Рақамли юань” “WeChat” ва “Alipay” сингари йирик молиявий майдонларда сарфланиши мумкин.

Бундан ташқари, масъул шахс хусусий корпорациялар томонидан ишлаб чиқиладиган рақамли валюта уни ишга туширган ташкилот банкрот бўлган тақдирда унинг фойдаланувчилари йирик миқдорда зарар кўриши мумкинлигини алоҳида таъкидлади. Хитой МБнинг рақамли валютаси эса бундай тавалкулчиликлардан холи бўлиб, қоғозли пуллар билан тенг ҳуқуқ ва ишончга эга. Шунингдек, ундан фойдаланиш учун узлуксиз равишда интернетга улашиш шарт эмас.

Хитойнинг миллий рақамли валютаси фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотини сир сақлайди, бироқ пулларни ноқонуний айлантириш имконини бер-

КРИПТОВАЛЮТА РАСМАН МУОМАЛАГА КИРИТИЛАДИМИ



майди, дейди Му.

Хитойдаги UnionPay тўлов тизими раиси ва Хитой Халқ банкнинг собиқ мулозимси Шао Фуцзюнь маълум қилишича, бугунги кунда рақамли валютанинг шакли ва вазифаларини қайта ишлаб чиқиш бўйича режалар муҳокама қилинмоқда. Айни пайтда у рақамли валюта халқаро муносабатни ривожлантириши ва айирбошлаш курсини белгилаш борасида айрим қийинчиликларга учраши мумкинлигини таъкидлади.

Аслини олганда, марказий банк томонидан ишлаб чиқиладиган рақамли валюта (CBDC) нинг прототип валютаси аллақачон мавжуд бўлиб, тадқиқотчилар унинг учун блокчейн архитектураси борасида ишланмоқда.

Чанчунь тегишли излаш ва ишланмалар ташкилот томонидан 2014 йилдан буён амалга оширилаётганини баён қилди. У рақамли валютадан фақатгина блокчейн доирасидагина фойдаланилмаслиги, балки чакана тўловларда ҳам би-


рорта тўсиқсиз ишлатилишини кўшимча қилди.

Му Чанчунь ХХБ нинг рақамли валюта муомаладаги нақд пулнинг буткул ўрнида ишлатилиши борасидаги режаласи билан ўртоқлашар экан бу ўзгариш пул кредит сўраси ва муддатли омонатларга таъсир кўрсатмаслигини маълум қилди. Беш йиллик иккилинишлардан сўнг Хитой криптовалютани расман муомалага киритадиган йирик иқтисодий мамлакатлардан бирига айланиши арафасида.

Илгари Хитой Халқ банки биткоин ва бошқа турдаги криптовалюта савдо амалиётларини юритишга рухсат бермаган эди. Мамлакатда 88 та криптовалюта биржалар ёпилиб кетганди. Айни пайтда мамлакатда рақамли пулни сақлаш таъқиқланмаган. Ҳатто мамлакат ҳукуматида тегишли “Синьхуа” ахборот агентлиги расмий ҳисоботида биткоин криптовалютасини инвесторлар учун мукамал “ишончли сармоя” хусусиятига эгалиги маълум қилинган.

МАРКАЗИЙ БАНКЛАР ХАВОТИРИ ЎРИНЛИМИ?! СТАВКАЛАР ПАСАЙИШИ РЕКОРД ДАРАЖАДА

Глобал ўсиш истиқболи сўнгги молиявий инқироздан буён энг паст натижани қўлга киритмоқда ва айниқса ривожланаётган бозордаги марказий банклар иқтисодийнинг бутунлай коллапсга учрашига йўл қўймастик учун аллақачон фоиз ставкаларини туширишни бошлаб юборишган.



Жанубий Америка, Европа, Осиё ва Яқин Шарқдаги айрим ишлаб чиқариш тузилмалари АҚШ ва Хитойдаги савдо уруши туфайли глобал сустрасуви ўз бошидан ўтказмоқда. Бу эса сўнгги ўн йил давомида марказий банклар фоиз ставкаларини туширишига сабаб бўлмоқда.

Йирик МБ, жумладан Европа марказий банки ва федерал заҳира тизими иқтисодийни қўллаб-қувватлаш мақсадида сиёсатни юмшатишни бошлашди. Ривожланаётган мамлакатлар марказий банки ҳам бу ислохотдан четда қолишни истамай ставкаларни кескин пасайтиришни бошлади.

Август ойида 37 та мамлакат МБ фоиз ставкаларини 14 баробар пасайтирди, бу эса қутилмаган натижаларга олиб келди. Масалан, Мексика ва Тайланд МБ ларидан бозор юмшатишни кутмаган эди.

Эслатиб ўтамиз, 2018 йил давомида ривожланаётган мамлакатлар марказий банклари, аксинча мустақамланиб бораётган АҚШ доллари таъсирида ўз валюталарининг қадри тушиб кетишини бартараф этиш мақсадида ставкаларни оширган эди.

Глобал иқтисодий 2008 йилдан буён ҳозирги пайтга қадар ҳам ўнглана олмади. Ликвидли-

ликнинг кенг миқёсдаги қамрови иқтисодийта бироз бўлса-да молиявий инқирознинг таъсирини камайтирди. Бироқ бошқа муаммолар, жумладан қарзли "кўпик" юзга келди.

Бундан ташқари, жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида даромаднинг пасайиши, бунинг оқибатида истеъмолнинг сустлашиши кузатишмоқда. Жорий вазиятда қандай ечим мавжудлигини ҳеч ким билмайди, бироқ жаҳон МБи аввалгидек муаммоларни бирламчи йўл, яъни сиёсатни юмшатиш орқали ҳал этишга ҳаракат қилмоқда. Аммо Япония ва Европа мисолида айтиш мумкинки, бу ҳаракатлар қутилган натижани бермайди.

Шунингдек, умумий ҳолатга таъсир қилаётган яна бир омил жаҳонда етакчиликни қўлга киритишга бўлган кураш билан боғлиқ. Гап албатта АҚШ ва Хитой ўртасидаги савдо урушига тақалади.

Айтганча, Россия Банки ҳам ставкаларни пасайтиришни бошлади. Қутилганидек, мамлакатда мувофиқлаштирувчи ташкилоти тез орада яна бир бор монетар сиёсатни юмшатишни эълон қилиш ниятида ҳамда ставкани 2014 йил даражасига туширади.

ИНВЕТОРЛАР БИТКОИН СОТИБ ОЛИШГА КИРИШИБ КЕТДИ

Сўнгги 4 ой давомида икки йирик давлат ўртасидаги можаро кескинлашиб бораётгани боис еТого майдонида биринчи криптовалюта биткоинлар сони 284 фоиз ўсди. Ушбу даврда олтин билан боғлиқ шартномалар сони эса 73 фоиз ортди.



Қизиғи шундаки, биткоиндаги позициялар сонидagi фоизларнинг кундалик ўзгариши олтинга нисбатан деярли доимо юқори бўлиб келмоқда. Бу эса, тегишли шартлар асосида криптобозорда фаолият юритишга қизиқиш билдираётганлар сони ортаётганидан далолат.

еТого таҳлилчиси Саймон Питерснинг сўзига кўра, фойдалиги ва ички қиймати юқори бўлмиш олтин тақчил актив бўлишига қарамай, марказий банклар ставкаларидаги ўзгаришга қарам бўлмаган. Нати-

жада бу қимматбаҳо металл доимо иқтисодий инқироз даврида ҳам сармоядорларга ёрдам бериш воситасига айланган.

"Биткоин олтин билан ўхшаш хусусиятга эга, қачонки ҳар иккаласи ҳам чегараланган ҳажмда мавжуд бўлади. Криптовалюта номарказлаштирилган бўлиб, нархи инфляцияга даҳл қилмайди", - дейди Питерс.

Таҳлилчи бир қатор сабаблар биткоинни ишончли валюта сифатида қабул қилинишига таъсир кўрсатаётганини тан олди. Нархларнинг волатиллик дара-

жаси ошиши, бозордаги манипуляция даражаси ортиши ва криптовалюта тармоғидаги халқаролик ҳужуми ортаётгани шу сабаблар сирасига киради.

Ҳозирча 2019 йил иқтисодий мавҳумлик йили сифатида баҳоланмоқда. Фақатгина жорий йилнинг ўзида АҚШ Федерал заҳира тизими фоиз ставкаларини 0,25 фоиз пасайтирди, Германия ЯИМ кўрсаткичи II чоракда қисқарди ва Хитой ҳам қарзли инқироз бўсағасида туриши мумкин. Айнан шу боис айрим таҳлилчилар келажакда яна бир глобал рецессия кузатилишини тахмин қилмоқда. Бу эса, инвесторларга биткоиндек таҳрибали активларга маблағ йўналтиришига олиб келиши мумкин.

BabelFinance фирмаси томонидан ўтказилган тадқиқот натижасига кўра, яқин 12 ой давомида 30 фоиздан ортиқ хитойлик инвесторлар биткоин 30 минг АҚШ долларлик белгидан ўтиши мумкин. Хитойликлар ўртасидаги энг оммабоп активлар сирасига биткоин киради, бироқ яна кўплаб инвесторлар ўз маблағларини Ethereum (57, фоиз), USDT (50,6 фоиз) ва EOS (41 фоиз)да сақлайди.

Долларли ликвидлик қисқариб бораётгани Америка валютасининг мустақамланишига сабаб бўлмоқда, шунингдек доллар етишмовчилигидан азиат чекаётган айрим банкларда муаммолар юзга келишига олиб келмоқда.

ЕВРОПА БАНКЛАРИДА ДОЛЛАР ТАҚЧИЛЛИГИ КУЗАТИЛМОҚДА

Юзга келган вазиятнинг асосий сабабларидан бири АҚШ билан ҳамкорликда амалга оширилаётган кенг миқёсли дастурлар билан боғлиқ. III чорак давомида Америка молия вазирлиги 434 миллиард АҚШ доллари қарзга олишни режалаштирган. Бу ҳажми инқироз давридаги, яъни 2008-2009 йиллардаги улуш билан солиштирилса бўлади. Бошқача айтганда, ҳамкорлик деярли рекорд даражада натижа бера бошлади.

Трежерис бўйича даромадлилик, масалан, Европага нисбатан юқори бўлишини ҳисобга олганда, сармоя евроҳудуддан АҚШ қарз бозорига кетиши ажабланарли ҳолат эмас. Бундан ташқари, таваккалчилиги энг паст даражадаги активлар савдо урушидаги номаълумликка ҳамда бозордаги турбулентлик даражасига таъсир кўрсатади.



Ушбу жараёнлар билан бир пайтда евроҳудудда долларли ликвидлик инқирози белгилари юзга келмоқда. Европа марказий банки мунтазам равишда банкларга АҚШ доллари тақдим этмоқда, бироқ ўтган ҳафтада Америка валютасига бўлган талаб кескин ўсди ва унинг ҳажми деярли 1 миллиард АҚШ долларига етди ҳамда бу билан ўтган йилнинг якунига нисбатан энг катта кўрсаткич қайд этилди.

Маълум бўлишича, АҚШ доллари сўраб бирданига учта банк мурожаат қилган. Айни пайтда улар банклараро ставкага нисбатан юқори курсда қарз олган. Умуман олганда, бу ликвидлик инқирози янада кенг миқёсдаги муаммага айланиши мумкин. Бошқа томондан ЕМБда ФЭТ билан ҳамкорликдаги своп ҳошияси мавжудлиги вазиятни бироз юмшатишга имкон беради.

Жорий вазият Fogex валюта бозоридagi вазиятни яққол кўрсатди. Яъни бозорда долларнинг бошқа валюталарга нисбатан қиймати ошиб бормоқда, евро ҳамда доллар жуфтлиги котировкаси эса 1,10 даражасидан пастга тушди ва 2017 йилдаги энг кам кўрсаткичга тушиб қолди.

Вазият шу алфозда давом этиши тахмин қилинмоқда ва тез орада узоқ қутилган кўрсаткич - 1,06-1,08 даражасига етиши мумкин.

БАНК КРЕДИТ СИЁСАТИНИ ЎЗГАРТИРДИ БУНДА ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТИЛАДИ?

Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида низомга тузатишлар киритилди (рўйхат рақами 905-6, 29.08.2019 йил).

Хусусан, йил давомида кредит сиёсатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Кредит сиёсатининг аксарият – 50%дан кам бўлмаган қисмига ўзгартиришлар киритилса, бунда ҳужжатни янги тахрирда қабул қилиш

мақсадга мувофиқ бўлади. Кредит сиёсати, унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ёки янги тахрири тасдиқлангандан сўнг 15 кун ичида Марказий банкка тақдим этилиши керак. Банк Кенгаши кредит сиёсатига ўзгартиришлар

киритиш зарурати мавжуд эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, МБга ушбу қарор расмийлаштирилган баённомадан кўчирма юборилади. Бунга ҳам 15 кун муддат берилади.

Бундан ташқари, кредит сиёсатида Президентнинг 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4400-сон қарори билан киритилган тақиқлар акс эттирилиши лозим. Эс-



латиб ўтамиз, унда жисмоний шахсларга хорижий валютада кредитлар бериш ва кредитлар бўйича уларнинг мажбуриятларини хорижий валютада ҳисобга олиш, шунингдек илгари айлинган кредитлар бўйича сўндирилмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда янги микромолиявий хизматлар кўрсатиш тақиқланади, деб айтилган.

ЯТТ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ: ҚАЧОН ҲИСОБВАРАҚДАН НАҚД ВАЛЮТАНИ ЕЧИШ МУМКИН

Президентнинг 2019 йил 5 сентябрдаги ПФ-5811-сон Фармони билан давлат раҳбарининг айрим ҳужжатларига тузатишлар киритилди.



Ўзгартиришлар “ташқи савдо фаолиятини янада такомиллаштириш, нақд хорижий валюта билан операцияларни амалга оширишда ахборот соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш” мақсадида қабул қилинди. Уларнинг моҳияти куйидагича:

биринчидан, чет эл валютасида даромад олувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ва фермер хўжалиklarининг ўз ҳисобварақларидаги нақд маблағларни ечиб олиш бўйича ҳуқуқлари чекланди. Энди бу фақат чет эл валютасидан чет элда асосли фойдаланиш ҳолларида мумкин (асосли фойдаланиш мезонлари аниқлаштирилмаган, тахр.). Қолган ҳолларда уларнинг ҳисобварақларидаги маблағлар фақат миллий валютада ечиб олинади;

иккинчидан, тадбиркорлик субъектларига уларнинг бошқарув органлари 2017 йилнинг 5 сентябрга қадар ташқи савдо контрактлари бўйича ҳосил бўлган кредитор қарздорликни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилганида ҳисобдан чиқарилаётган кредитор қарздорлик суммасига солиқ мажбуриятларини қўшиб ҳисобламасликка рўхсат берилди.

учинчидан, ДБҚ 2019 йил 1 декабрга қадар Марказий банк билан йўловчиларнинг божхона декларациялари ва белгиланган нормалардан ортиқча олиб кирилаётган нақд хорижий валюта ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларни айирбошлаш бўйича ахборот соҳасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиши керак;

тўртинчидан, стратегик харидорлар томонидан энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида тендер савдоларини ўтказмасдан, шунингдек, тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш орқали тузилган импорт шартномалари ва уларга қўшимча битимлар “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУҚда экспертизадан ўтказилиши ва рўйхатга олинishi лозим. Бунинг учун улар:

инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳалар бўйича лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларига;

жорий фаолият бўйича — ишлаб чиқариш нормативларига мувофиқ импорт контрактини тузиш зарурлигининг асосланишини қўшимча равишда тақдим этади.

САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШДА ВИРТУАЛ КАССАЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

“Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони қабул қилинди. Бу ҳақда “Ҳуқуқий ахборот” канали маълум қилди.

Фармонга кўра, ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига он-лайн узатишни назарда тутувчи виртуал кассалар жорий этилади.

Тадбиркорлар он-лайн-НКМ ёки виртуал кассадан фойдаланишга ўтган тақдирда:

– уларга нисбатан амалдаги фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини ишлатиш бўйича мажбуриятлар бекор қилинади;

– кунлик ўртача нақд пул тушуми миқдоридан қатъи назар нақд пулни банк кассаларига инкассация хизматлари орқали ўзлари белгиланган даврларда ёки муस्ताқил равишда топшириш ҳуқуқига эга бўлади;

– уларга ҳисобланган ва тўланиши лозим бўлган фойда солиғи ёки ягона солиқ тўлови ёхуд қатъий белгиланган солиқ суммасини унинг ҳар бирини харид қилиш, ўрнатиш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатлар суммасига камайтириш ҳуқуқи бе-

рилади, бунда ушбу сумма базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан ошмаган бўлиши керак;

– виртуал касса дастурий маҳсулотининг асос қисми (базаси) уларга Давлат солиқ кўмитаси томонидан бепул берилади;


– жисмоний шахсларнинг банк пластик карталари ёки чегирма (дисконт) карталарига оммавий оферта шартлари асосида ўтказилган бонуслар (пул, балл ва бошқа бирликлар) шаклидаги маблағлар (cashback) жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғи базаси сифатида қаралмайди;

– жисмоний шахсларнинг уй хўжалиги шароитида оладиган даромадлари даромад солиғидан озод қилинишида, реализация қилинган маҳсулот жисмоний шахс ёки унинг оила аъзоларига ажратилган томорқа ер участкасида етиштирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни талаб қилиш тартиби бекор қилинади.

Шунингдек, Фармонга мувофиқ онлайн-НКМ ёки виртуал кассадан фойдаланишга ўтган тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим қилинган чекда товарлар (ишлар, хизматлар) номи, миқдори, қиймати (нархи), суммаси, қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлганда қўшилган қиймат солиғи ставкаси ва суммаси, шунингдек, QR-код ва фискал белги мажбурий тартибда акс эттирилади ва ушбу маълумотлар акс эттирилмаган чеклар ҳақиқий ҳисобланмайди.

Чекловлар доираси кенгайтирилди. Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга тегишли тузатишлар киритилди (рўйхат рақами 2093-11, 30.08.2019 йил).

КИМЛАР МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТИ МУАССИСЛАРИ БЎЛА ОЛМАЙДИ



Жумладан, микрокредит ташкилоти муассислари бўла олмайдиган субъектларнинг амалдаги рўйхати билан бир қаторда куйидаги жиноятлар учун олиб ташланмаган судланганликка эга шахслар ҳам тақиқ остига тушдилар:

• иқтисодиёт соҳасидаги жиноят учун (Жиноят кодексининг Махсус қисми учинчи бўлими);

• бошқарув тартибига қарши жиноят учун (Жиноят кодексининг Махсус қисми XV боби, бешинчи бўлими).

Мазкур чеклов микрокредит ташкилоти устав фонднинг 10%идан камига эга шахсларга нисбатан амал қилмайди.

Шунингдек, чакана хизматлар марказларини очганда Марказий банкка тақдим этилиши зарур бўлган ҳужжатлар аниқлаштирилди. Булар: чакана хизматлар маркази очилганлиги тўғрисида хабарнома ва уни ташкил этиш тўғрисидаги микрокредит ташкилоти бошқаруви олий органнинг қарори.

Эслатиб ўтамиз, бундай марказларни очиш ҳуқуқи 2019 йил 1 августдан бошлаб микрокредит ташкилотларига тақдим этилган (23.07.2019 йилдаги ПҚ-4400-сон қарорга қаранг). Бунда мажбурий шarti – улар очилган кундан бошлаб 10 кунлик муддатда МБни хабардор қилиш.

Қари билганни пари билмас

ШОГИРДЛИК БЕЛБОҒИ

Шогирдлик белбоғи – камари хизмат дейилади. Бу белбоғни боғловчи киши устозига эҳтиром кўрсатиши, унинг илм-хунар борасидаги ўғитларига амал қилиши керак. Устоз билмасликнинг олдини олувчи, маънавий-ахлоқий, руҳий жиҳатдан тарбия қилувчи сиймо.

Бу йўлчи юлдузсиз ҳеч бир жамият камолга етмаган, аксинча, инқирозга юз тутган. Шунинг учун ҳам халқимизда “Устоз отангдек улуғ”, “Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар” деган мақоллар бор.

Шундоқ экан, устознинг ҳам ўзига хос ҳақлари бор. Устозни ҳурмат қилиш, уларнинг ҳақини адо этишга ўрганиш лозим. Шунда ҳарф ўргатган, тўғри йўлга солган кишиларнинг қадри-қimmatига етилади.

Илм олаётган, хунар ўрганаётган шогирд устози тирок вақтида ҳақиқа дуо қилиши, у вафот этганидан сўнг авлодлари, қариндош-уруғлари ва дўстларидан хабар олиши, қабрини зиёрат қилиши, устозни эслаб туриши, унинг номидан яхши ишлар қилиши, илмда, хулқда унинг ўргатганларига риоя қилиши, илмига эргашishi, одоби билан одобланиши лозим бўлади. Шогирд устозидан етаётган баъзи азиятларга сабр қилмоғи, бу ҳол устоздан илм олишига монелик қилмаслиги керак. Албатта, устоз шогирдини бежиз коймайди. Шогирд бундай пайтда ўзини тафтиш қилиши, устозидан уэр сўраши мақсадга мувофиқ. Шундай қилса, устоз ва шогирд узоқлашмайди, қайтага яқинлашади. Шогирд хато қилса, устоз уни йўлга салади. Шогирд устози ўтирган жойга киришда изн сўрайди, устоз бир ўзи бўладими ёки бошқалар билан бўладими, барибир. Агар руҳсат бермаса, қайта сўрамаслик керак.

Устоз ва шогирдлик аънанасини амалий мисол билан келтирмоқчимиз. Учкўприк туманида шундай устоз-шогирдлар бўлганки, уларга ҳамма ҳавас қилган. Бу ўтган аср воқеалари. Катта уста Эгамберди Қурбонов атрофига қобилияти шогирдларни тўплаб синовдан ўтказди. Хунар ўргатиш баробарида у йигитларга таълим-тарбия ҳам беради. Улар асосан, иморатлар солиш билан биргаликда таъмирлаш ишларини ҳам амалга оширишган. Эгамберди Қурбоновнинг шогирдларга нисбатан тарбия бериш қоидалари бўлган. Масалан, хонадон соҳибининг ижозатисиз хонадонга бош суқмайсан, қайси хонадонда ишлашингдан қатъи назар ўша ердаги аёлларга хиёнат кўзи билан қарамайсан. Уй эгасининг қизини синглингдек кўрасан, аёлини онангдек, кичик боласини укангдек кўрасан. Иш вақтида бошқа ишлар билан машғул бўлмайсан. Уй эгаси қандай таом пиширса ҳам ейсан, норозилик қилмайсан. Уй эгаси қандай материал олиб келса шуни ишлатасан. Уй соҳиб қурби етмаган материални талаб қилмайсан. Шартнома тузилган ҳолатдан ташқари ишлаб беришинг ўзингни химматинг. Ишни тугатиб, хайрлашиб кетаётганда уй эгаси билан рози-ризолашасан ва қўшимча ўша хонадондаги шартномага кирмаган бошқа жойни куриб ёки таъмирлаб берсанг жуда аъло ишни бажарган бўласан. Ишингни тасмия айтиш билан бошласанг ишингда барака бўлади ва ҳоказо. Шундай ўғитлар асосида тарбияланган шо-

гирдлар – Алижон Аҳмедов (Султонобод қишлоғидан), Сиддиқжон Қурбонов (Ўрозбоғ қишлоғидан) Мамажонов Ёқубжон ва унинг укаси Комилжон (Жалойир қишлоғидан) катта устанинг йўлидан бориб эл олқишига, ризосига эришдилар. Улар устоз-шогирдлик аънанасини чиройли давом эттиришди. Улар ҳам ўз навбатида шогирдлар тайёрлашган. Натижада Жалойир қишлоғидан чиққан қобил шогирд Орифжон ҳам одамлар назарига тушди.

Кимки шогирд сифатида етишиб, ҳамма хунар ва қоидаларни ўзлаштириб устозидан фотиҳа олсагина ишига барака киради. Шогирдга фотиҳа беришнинг аънавий усулини ҳудди мана шу Эгамберди Қурбонов ва унинг шогирдлари билан муомалаларида кузатганмиз. Шогирдга фотиҳа бериш катта маросимга айланиб кетган. Етук шогирд фотиҳа олишдан аввал оқсоқоллар даврасига чақиртирилган. Кейин унга “белбоғ ўратиш” маросими бўлиб ўтган. Катта уста белбоғ боғлатгач, ўша ерда ҳозир бўлган ва уни тан олган ҳар таникли кишилар ҳам белбоғ боғлатганлар. Кейин ҳақиқа дуо қилинган. Шогирд ҳаётида белбоғ муҳим ўрин тутган. Кўпни кўрган нуруний кексаларимизнинг суҳбатига қулоқ тутсангиз, “Белбоғи бор эр йигитнинг бели бақувват бўлади” ёки “Белингдаги бақувват бўлади” ёки “Белингдаги бақувват бўлсин!” – деган яхши ният билан шойи белбоғ боғлашида ҳам ана шу маъно яширилган.

Белбоғнинг халқ табобатида ҳам ўрни беқийёс. Физиолог мутахассислар инсон организмидagi асосий таянч нуқта деб бел соҳасини билишади. Барча ҳаётий кучлар – энергия асосан бел қисмдан тақсимлангани учун донишманд ота-боболаримиз ҳаммаша белбоғ боғлаб юрганлар. Буни ҳар бир инсон синиб кўриши мумкин. Бел сиқиб боғланганда инсон ўзини бардам тутта бошлайди. Оғир атлетика билан шуғулланувчи спортчиларни кузатсак ҳам ўзига хос белбоғ таққанларини гувоҳи бўламиз. Буларнинг ҳаммаси биздан ўтган, ота-боболаримиздан қолган. Шогирдга белбоғ боғлатиш аънараси Кайковуснинг “Қобуснома” асарида ҳам мукамал ёритилган.

Албатта, биз зикр этаётган амалий мисоллар, одоблар ва белбоғ тимсоли устозлар ҳақини адо қилиш, содиқ бўлишни талаб қилади.

Хомиджон ОМОНОВ,
Учкўприк тумани, меҳнат фахрийси

ҲУШЁР ҚОРОВУЛ

Воқеа

Гўшт фабрикасида ишлайдиган бир аёл иш тугагандан сўнг музлаткичларни текшириш учун кирганда эшик беҳосдан ёпилиб музлаткични ичида қолиб кетди.

Аёл овози борича бақриб ёрдам сўради. Музлаткич эшигини тепди, йиғлади, аммо ҳеч ким эшитиб ёрдамга келмади. Иш вақти тугагани учун ҳамма ишчилар уйларига кетиб бўлишган эди.

Орадан бир-икки соат ўтгандан кейин музлаткич эшигини эшик ёнида турадиган қоровул очди. Аёл ҳайрон бўлиб қоровулдан сўради:

– Сиз мени музлаткичга қамалиб қолганимни қаердан билдингиз? Ахир цех ичини текшириш сизни вазифангизга кирмайди-ку?

– Мен ўттиз беш йилдан бери шу ерда ишлайман. Бу ерга қанчаси келиб кетади. Лекин бирортаси мен эшик тагида туриб уларни келиб-кетишини кузатишимни сезишмайди. Гуёки мен йўқдек одамман уларга. Аммо сиз ҳар куни эрталаб мен билан саломлашиб кечки маҳал хайрлашиб кетасиз. Биргина сизни шу кўнгул учун ҳолаҳвол сўраганингиз учун мен ўзим инсон эканимни ҳис қиламан. Эрталаб салом бериб ишга кириб кетдингиз, аммо иш тугагандан сўнг сизни хайрлашиб чиқиб кетишингизни кўрмаганим учун ичкарида бирор нарса бўлгандир деб хабар олгани киргандим – деди.

Алқисса, одамлар бир-бирларини ҳурмат қилиб, сийлаб, қадрлаб, бир-бирларидан огоҳ бўлиб яшашлари шарт! Зероки, эртанги кунимиз не бўлишини ёлғиз Яратгандан бошқа ҳеч ким билмайди...

САЛОМГА ЯРАША АЛИК

Масал

Бир йигит гўзал қизга ошиқ бўлиб, унга уйланди. Кунларнинг бирида уйига куёвнинг ўртоқлари зиёфатга келадиган бўлишди. Одатларига кўра, йигит жон дўстлари учун кўй сўйдирди. Аёлига мазали бирор таом пиширишини тайинлади. Аммо хотини кўрқиб кетиб, эрига овқат қилишни билмаслигини, ота уйда ўрганмаганлигини айтди.

Эрнинг жаҳли чиқиб:

– Нарсаларингни тайёрла, сени уйингга қайтариб олиб бориб кўяман. Сен овқат қилишни билмасанг, менинг хотиним бўлишга нолайиқсан, – деди. Қизнинг уйига келиб, қизнинг отасига:

– Бу, сизларнинг молинингиз, ўзингизга қайтарилди. Овқат тайёрлаш усуллари унга ўргатмагунингизча, менинг ёнимда унга ўрин йўқ! – деди. Шунда ота:

– Икки ой давомида биз билан турсин. Шу муддат ичида билмаган нарсаларини ўргатамиз, сўнг сизга қайтарамиз, – деди.

Қиз ота уйда икки ой яшади. Айтилган вақт ўтди. Эри уни олгани келди. Эри пиширишни яхшилаб ўрганган бўлсагина, уни қайтариб олиб кетиши мумкинлигини таъкидлади. Отаси:

– Қизимиз, ожизамиз, барча таомларни олий даражада, хусусан, кўй гўшtidан ажойиб нарсалар тайёрлашни ўрганди, – деди.

Куёв:

– Ундай бўлса, Аллоҳ баракасини берсин. Қани, кетдик, уйга, – деди.

Ота:

– Кетишингиздан олдин, қизимнинг ўрганганига ўзингиз ишонч ҳосил қилиб, кейин кетишингизни хоҳлайман, – деди. Тиррик кўйни келтириб, куёвга:

– Буни сўйинг. Қизимизни қай даражада уни пишира олишини ўзимиз кўрамиз, – деди.

Куёв:

– Мен кўй сўйишни эплай олмайдман, – деди.

Ота:

– Ундай бўлса, куёв тўра, борингда, оилангиздан мард-

ликни, хунарни ўрганиб келинг! Ўрганиб бўлганингиздан кейин, марҳамат, келиб хотинингизни олиб кетинг, – деди.

Қиссадан ҳисса: Бир инсонга “Шуни ҳам билмайсанми?” дейиш осон. Лекин унга ўргатишни, шу муддат ичида сабр қилишни билиш, катта маҳорат! Инсонни Аллоҳ оқил қилиб яратди. У ўрганолмайди, дейиш хато. Лекин аёл киши билмаса, дарров ота – онасига таъна тошларини ёғдиришни бошлайдилар. Ота – онаси беролмаган тарбияни, сиз беринг! Сиз ўргатинг! Ўзини оила бошлиги деб ҳисобловчи ҳар бир эркак кўл остида бўлган ожизаси – аёлига гўзал муносабатда бўлиши лозим. Унинг камчиликларини юзига солмай, хушмуомалалик билан ўргатиши даркор. Қиз бола турмуш кургач эрининг қарамоғига ўтади, уни гўзал тарбия қилиш энди эрининг вазифаси. Аёл мисоли гунча, эркак эса боғбон. Гулнинг сўлиб қолиши ёки гуллаб яшнаши боғбоннинг маҳоратига боғлиқ. Аёлини камчиликларини юзига солиб, уни ерга урадиган, ундан шикоят қиладиган эркаклар ҳам учраб туради. Гуёки ўзлари мукамал, айб-нуқсонсиздек. Ўзлари кўлларига ишончи топширилган Гулни парваришлай олмай, яна нолийдилар. Айбдор кишигина ўз хатосини кўрмай, бошқаларга ағдаради. Шуни билингки, аёлингизга отган таъна тошингиз биринчи бўлиб ўзингизнинг бошингизга келиб тушади!

Шаҳобиддин
ИМОМНАЗАРОВ

ҚУТЛОВ

ЭЛ-ЮРТ САОДАТИ ЙЎЛИДА

МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН ФИДОЙИ ИНСОН

Андижон вилояти, Бўз туманидаги "Сайёра фаввораси" хусусий корхонасига қарашли пахтани қабул қилиш ва қайта ишлаш корхонаси раҳбари Баҳодиржон Қодиров 42 ёшни қаршиляпти.

Баҳодиржон Қодировни салохиятли раҳбар сифатида нафақат Бўз туманида балки, бутун Андижон вилоят аҳли яхши танийди, ҳурмат қилади. Сабаби, Баҳодиржон ака Бўз туманида банк, молия-иқтисодиёт тармоқларида ҳалол меҳнат қилибгина қолмай, туман қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ҳам салмоқли ҳисса кўшяпти.

У Фарғона давлат унверситетининг магистратура йўналишини "Тармоқлар иқтисодиёти" мутахассислиги бўйича тамомлаб, дастлабки меҳнат фаолиятини 1995 йилда "Тадбиркоркредитбанк" Бўз туман бўлимида кредит бўлимининг кичик мутахассиси сифатида бошлаган. Б.Қодиров кейинчалик Бўз туман давлат солиқ инспекциясида иш юритувчи, туман "Муқобил машина-трактор парк"нинг иқтисодиёт бўлимида иқтисодчи, шунингдек, Бўз туман давлат солиқ инспекцияси бош инспектори, бошлиқ ўринбосари каби масъул лавозимларда ишлади. Бу орада ўзининг "Ферузбек Қодиров" фермер хўжалигини ташкил этиб, хўжалик тармоқларини кенгайтиришга ҳаракат қилди. Маълум муддат "Андижон озуқа-ем" масъулияти чекланган жамияти директори вазифасини бажарди. 2018 йилдан ҳозирги вақтгача "Бўз пахта тозалаш" акциядорлик жамияти директори бўлиб юксак салоҳияти туфайли туман аграр тизимига янги иш услубини жорий этди ва айти пайтда соҳа ривожини янада жонлантирмоқда.

Қолаверса, қаҳрамонимиз 2014 йилда O'zLiDeP дан Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг депутати этиб сайланган. Бутун ҳаётини эзгуликка сафарбар этиб, депутат сифатида ҳам хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Инсон камолотида ота-она ўрни улуг. Шу билан бирга ота-онларимиз биз фарзандлар учун биринчи устозимиз ҳисобланадилар. Баҳодиржоннинг ота-онаси ҳам фарзандлари тақдирига бефарқ



бўлмаган инсонлардан. Дадаси Қодиржон ака узоқ йиллар тумандаги Юсуфжон Шодмонов жамоа хўжалиги раиси, онаси Сабохон ая эса хўжаликлараро механизациялашган кўчма саф бош ҳисобчиси бўлиб фаолият кўрсатганлар.

Айти дамда ўзининг 42 ёшини қарши олаётган мақоламиз қаҳрамони Баҳодиржонни таваллуд куни билан чин кўнгилдан муборакбод этамиз. Ишонамизки, бу фидойи инсон ўзининг ғайрат ва шижоатини юртимиз гуллаб-яшнашига сарф этиб, юртдошларимизнинг фаровон ҳаёт кечирishлари йўлида ўз меҳнатларини аямайдилар.

Ҳурматли, Баҳодиржон Қодиров!

Сизни таваллуд айёмингиз билан чин қалбимиздан табриклаймиз. Бугунги шодиёна кунларда Сизга **сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, узоқ умр, қалбингиздаги жамики эзгу ниятларингиз ижобатини тилаймиз!**

Андижон вилояти, Бўз туманидаги "Сайёра фаввораси" хусусий корхонаси матбуот хизмати

Реклама ўрнида

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР, "БАНК АХБОРОТНОМАСИ" ВА "БАНКОВСКИЕ ВЕСТИ"

ГАЗЕТАЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Сиз газетлага обуна бўлишга улгурмаган ёки қисқа муддатга обуна бўлган бўлсангиз, нашримизнинг расмий сайти – www.banknews.uz орқали шартномани тўлдириб, тахририят манзилига юборишингиз мумкин.

"Ўзбекистон почтаси" ва "Матбуот тарқатувчи" агентлигининг ҳудудий бўлимлари орқали расмийлаштириш ёки фақат тахририят билан шартнома тузган хусусий ташкилотлар билан обунани ташкил этиш йил давомида газеталаримизни ўз вақтида олишингизни кафолатлайди.

ХУСУСИЙ ОБУНА АГЕНТЛИКЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси

"MATBUOT SERVIS" МЧЖ – (97-358-57-57)

Хоразм вилояти

"ЛИДЕР ПРЕСС" МЧЖ – (71-244-33-63)

Бухоро вилояти

"MATBUOT SERVIS" МЧЖ – (97-358-57-57)

Жиззах вилояти

"MATBUOT TONGI" МЧЖ – (91-599-58-98)

Навоий вилояти

"MATBUOT SERVIS" МЧЖ – (97-358-57-57)

Қашқадарё вилояти

"MATBUOT SERVIS" МЧЖ – (99-603-03-68)

Наманган вилояти

"MATBUOT SERVIS" МЧЖ – (99-603-03-68)

"MATBUOT SERVIS" МЧЖ – (90-532-93-39)

Сирдарё вилояти

"СИРДАРЁ МАТБУОТ ХИЗМАТИ" – (97-277-27-72)

Сурхондарё вилояти

"SURXON MATBUOT NASHRLARI" МЧЖ – (91-586-70-00)

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти

"KALEON INFORM" МЧЖ – (71-267-18-94)

"ЛИДЕР ПРЕСС" МЧЖ – (71-244-33-63)

"MATBUOT SERVIS" МЧЖ – (71-244-19-63)

"ТОШКЕНТ МАТБУОТ" – (97-156-22-77)

Самарқанд вилояти

"ТОШКЕНТ ЖАҲОН ЗИЁ" – (97-922-02-33)

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Банк, бизнес ва иқтисодиёт соҳаларига доир батафсил маълумотларни фақат бизнинг газетамиздан ўқиш мумкинлигини унутманг!

Обуна бўйича мурожаат учун

Тел.:

(998) 71-232-45-32,
71-233-45-16.

Факс:

(998) 71-232-43-98.

E-mail:

info@banknews.uz

**ОБУНА
ИНДЕКСИ – 102**



БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси

"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

Директор
Ўқтам АБДУЛЛАЕВ

Бош муҳаррир
Бобур МУҲАММАДИЕВ

Бош муҳаррир ўринбосари
Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА

Обуна ва реклама учун
Тел: 99897 776 60 18
71 234 43 18
Факс: 71 234 43 18
Нашр индекси-102.

Ахборот кўмаги
ЎЗА, "Norma Hamkor" МЧЖ
Тахририят манзили:

100060. Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси,
23-уй e-mail: bankakhborotnomasi@mail.ru,
www.banknews.uz телеграм каналимиз
@bank_akhborotnomasi
Чоп этишга тайёрловчи: "Moliya yangiliklari agentligi"
МЧЖ

Газета тахририятининг техник ускуналаридан
саҳифаланди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан "Банк ахборотномаси" да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмайди. Қўлэмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба куни чиқади.

Буюртма № г 903
Адади 1694 нуска

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмда, 3 шартли босма табакда чоп этилди.
Босишга рухсат этилди: 11.09.2019 й.,
1 2 3 4 5 6

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-уй.